

VATANPARVAR



QR-кодни
телефон орқали
сканер қилинг.

O'ZBEKISTON



HAFTA ICHIDA

● Президент Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ўтаётган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси билан танишди.

● Ўзбекистон India's Best Awards – 2019 мукофотини қўлга киритди. Мазкур мукофот ғолиблари ҳақидаги маълумот Ҳиндистоннинг таниқли «Travel+Leisure» халқаро сайёҳлик журнали ваколатхонаси томонидан эълон қилинди.

● Беларусь Республикаси ёшлар иттифоқининг барча ҳудудий бўлинмалари вакиллари II Ўзбекистон – Беларусь ёшлар IT-форумида иштирок этиш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари билан тажриба алмашиш мақсадида пойтахтимизга ташриф буюрди.

● Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида ташкил этилган мода ҳафталиги ташкилотчиси – «Осиё рамзи» дизайнерлар уюшмаси. Шунингдек, Италия, Франция, Буюк Британия, Россия каби қатор мамлакатлар ҳам асосий ҳамкорлар сафидан жой олган.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

9 ЕЛКАМГА
САНЧИЛГАН
ХАНЖАР

11 МУАММОЛАРГА
ЕЧИМ
ТОПИЛДИ

15 СУЛТОН... ВА
ГУНОҲ

17 ХАРОВАДА
QOLGAN
«VATAN»

19 ЎЗБЕКISTON
ГУРУҲДА
ЕТАКЧИ



▶▶ **4-5**

ШАШТИ ТОҒЛАРДАН БАЛАНД...

6-бетда

**ЭНГ БАЛАНД ЧЎҚКИДА
ҲИЛПИРА МАҒРУР!**

12-бетда

**«ИККИТА ХАЛҚ
АРТИСТИНИ ВОЯГА
ЕТКАЗГАН МУНИСИМ,
МУШТИПАРИМ БОР ЭДИ...»**

14-бетда

**АСЛ АСАРНИ
ТАНИЙСИЗМИ?**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА БОСҚИЧМА- БОСҚИЧ ЎТИШ ОРҚАЛИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро тажриба бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари билан пул-кредит таргетлаш режими эканлигини кўрсатмоқда, бунда пул-кредит бозоридаги марказий банкнинг фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди.

Шу билан бирга, инфляцион таргетлаш режими жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги йўналишларга қаратилган мувофиқлаштирилган тайёргарлик ишларини талаб этади:

инфляциянинг номонетар омиллари ролини босқичма-босқич пасайтириш, шу жумладан, тарифларни тартибга солишни ислоҳ қилиш, иқтисодиётнинг реал секторида таркибий иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлаш ва ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш;

Марказий банкнинг макроиктисодий таҳлил ва коммуникация сиёсати сифатини ошириш;

регуляторнинг кредит бозорига самарали таъсир этишини таъминлаб берувчи, пул бозорини тартибга солишни янги инструментларини жорий этиш.

Макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизмлари ва инструментларини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, пул-кредит сиёсати самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан** 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич **инфляцион таргетлаш** режимига ўтказишни таъминласин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

инфляциянинг доимий амал қиладиган мақсадини белгилаш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш; пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш ва инфляцион жараёнларни бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг кенг қамровли инструментларини қўллаш;

пул-кредит сиёсати соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш мақсадида ички ва ташқи бозорларда мавжуд бўлган очик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда батафсил макроиктисодий таҳлил ва прогнозларни амалга ошириш;

пул-кредит сиёсати мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, макроиктисодий ҳолатнинг олдиндан кўра билинишни таъминлаш ва бозор иштирокчилари ишончини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки инфляцион таргетлаш режимига тўлиқ ўтиш учун шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин, хусусан:

мувофиқлаштирилган монетар-фискаль ва монополияга қарши сиёсат юритиш;

рақобатдош бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда товарлар ва хизматларнинг тўлақонли бозорларини шакллантириш орқали иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислохотларни амалга оширишни давом эттириш;

монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солишнинг замонавий усулларига ўтишга, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтиришга йўналтирилган тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш;

жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилиш учун молиявий воситачилик институтларини ривожлантириш мақсадида банк тизими ҳамда молия бозорларини ислоҳ этиш, шунингдек, молиявий оқимларни узоқ муддатли режалаштириш учун имконият яратиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банкнинг инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2020 йилда инфляцияни пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни жорий этиш орқали **пул-кредит сиёсати инструментлари, механизмлари ва жараёнларини** инфляцион таргетлаш режими стандартларига мувофиқлаштириш чораларини кўрсин:

2020 йилнинг 1 январига қадар пул бозори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатувчи **бозор инструментлари**, шу жумладан, Марказий банк облигациялари, овернайт депозитлар, доимий тусдаги депозит аукционлари, давлат қимматли қоғозлари ва хорижий валюта гарови остида кредит аукционлари ва овернайт кредитлари;

2020 йил давомида фоиз ва валюта хатарларини бошқаришда ҳосилавий инструментлар (своп, опцион ва фьючерслар) ва тижорат банкларининг валюта курси шаклланишидаги ролининг босқичма-босқич ошириб борилиши;

бир ой муддатда Марказий банкнинг банклараро пул бозорига мунтазам интервенцияси орқали **мослашувчан фоиз сиёсатини амалга оширишда асосий фоиз ставкасининг фоиз коридори механизми**;

2020 йилнинг 1 апрелига қадар халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда илғор халқаро тажриба асосида эконометрик моделлаштириш инструментларини ривожлантиришни назарда тутувчи **макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш тизими; икки ой муддатда** Марказий банк томонидан иқтисодиётдаги жорий ҳолат, инфляцион жараёнларнинг асосий омиллари ва пул-кредит сиёсати чораларининг ўз вақтида ёритилишини кўзда тутувчи **коммуникацион сиёсатнинг замонавий тамойиллари**;

инфляция ва инфляцион кутилмалар омилларини доимий ўрганиб бориш, халқаро молия институтлари ва бошқа давлатлар марказий банклари техник кўмагини жалб этиш орқали **илғор хорижий тажрибани ўрганиш**.

6. **Инфляция даражасини пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия** (кейинги ўринларда – Комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инфляция омиллари ва нархлар ошишига олиб келаётган сабабларни **бевосита жойига чиққан ҳолда таҳлил этиш ва танқидий баҳолаб бориш**;

барча вазирлик ва идоралар саъй-ҳаракатларини иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтириш ҳамда амалга оширилаётган сиёсатнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга қаратиш;

республика пул-кредит сиёсатини инфляцион таргетлаш режимига ўтказишга қаратилган **чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишидаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш**, шунингдек, уларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳадаги ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ваколатли орган ва ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа вакиллар иштирокида **ҳар ойда камида икки марта** ички бозорда нархларни барқарорлаштириш ва инфляцияни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини **муҳокама қилишни ташкиллаштириш**, шунингдек, амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бориш.

7. Белгилансанки:

2020 йил 1 январдан бошлаб тижорат банклари томонидан (миллий валютада) янгидан бериладиган барча турдаги кредитлар, шу жумладан, давлат дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича **фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган даражада белгиланади**, ипотекани кредитлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларини етиштириш учун қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ажратиладиган кредитлар бундан мустасно;

2021 йил 1 январдан, зарур ҳолларда, фоиз харажатларининг маълум бир қисмини компенсация қилиш механизмларини жорий этиш орқали тижорат банкларига фоиз ставкаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда **кредитларни имтиёзли фоиз ставкаларида бериш амалиёти бекор қилинади**.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилнинг 1 февралига қадар Энергетика вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2020-2021 йилларда тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни инфляция мақсадларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда эркинлаштириш графигини ишлаб чиқсин** ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

умумий фискаль баланс тақчиллигини 2022 йилда 1,5 фоиздан ошмайдиган даражагача босқичма-босқич камайтиришни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг белгиланган параметрлар доирасидаги қатъий ижросини, шунингдек, Марказий банк билан биргаликда солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлигини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июлига қадар **норезидентларга молия бозорига киришга рухсат бериш шартлари, механизмлари ва муддатлари бўйича таклифларни юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини бартараф қилишнинг аниқ механизмлари ва инструментларини ишлаб чиққан ҳолда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий банки:

Концепция ва «Йўл харитаси»нинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилишини;

«2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси таркибий ислохотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси»ни амалга оширишни таъминлаш бўйича **Иқтисодий кенгаш йиғилишларида** солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати мувофиқлиги ҳамда таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши ҳолати масалаларини **кўриб чиқиш ва муҳокама қилишни**;

жаҳон бозорларидаги реал вазиятнинг ривожланиши ва таркибий иқтисодий ислохотларнинг амалий натижаларидан келиб чиққан ҳолда **мослашувчан макроиктисодий сиёсат юритиш**, шунингдек, инфляциянинг узоқ муддатли мақсадли кўрсаткичи (таргети) даражасигача пасайишини;

«Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилатган чоралар самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, инфляция бўйича қўйилган мақсадга эришиш омиллари ва хатарларини кўрсатган ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чоракда маълумот киритиб боришни таъминласин**.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда 2020 йилнинг 1 апрелига қадар Жаҳон банкнинг техник кўмаги асосида ишлаб чиқилаётган Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегияси доирасида молиявий саводхонликни оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 ноябрь

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР ЁДИ

Дарахтлар оралаб кетар эканман, саргайган барглари йўлимга поёндоз бўлади. Тўкилган барглари кўриб, умримиз ҳам шундай ўтиб кетяпти, деб ўйлайман. Аммо саргайиш насиб қилмай, баҳорнинг аёвсиз шамолидан қанчалаб куртаклар хазон бўлади. Инсоният тарихида миллионлаб кишилар ҳаётга зомин бўлган даҳшатли бўронлар бўлгани ҳам сир эмас. Уруш ва унинг оғир оқибатлари ҳамон юракларда ўз чизиқларини кўрсатиб турибди. Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига мислсиз офатлар ёғдирган тўфон эди. Урушда голиб подшоҳ, голиб саркарда, голиб армия бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон голиб инсон бўлмайди. Уруш ўз номи билан уруш.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Нурулла ота Абдуллаев билан суҳбатлашар эканман, ўша йилларни ўзимча тасаввур чизгисида кўраман. Англайманки, бу йиллар тасаввуримдан кўра анча даҳшатли бўлган.

Нурулла ота шундай ҳикоя қилади.

БОЛАЛИКДАН
ЖАНГ МАЙДОНИГАЧА

Болаликдан аскар бўлишни орзу қилганман. Қўшнимиз Самат оға ҳарбий эди. Унинг тўппончаси, кийими, виқорли қарашлари биз болаларни ҳайратлантирарди. Кўчамиздаги кўпчилик болалар унга ўхшашни хоҳлаганмиз. Ўзимизни улардек савлатли тутишга ҳаракат қилардик. Бир куни, адашмасам, ўн икки ёш пайтларимиз маҳалламиз болалари билан «уруш-уруш» ўйнадик. Мен капитан эдим. Шунда жамоамдагилар душман аскарларидан бирини олиб келди, қўлимдаги таёқни тўппончага ўхшатиб, унинг пешонасига тирадим. Узоқдан бизни кузатиб турган отам ёнимга келди ва ўзимга тарсаки тортди. Ҳаммининг олдида урганлиги учун орландим, бола эмасманми, хафа бўлиб, уйга қараб югурдим. Шу куни отам ҳеч нарса демади. Тунда эса айвондан отамнинг йиғлаган овози келди. У кўз ёшларини, йиғлаганини ҳеч кимга билдиргани келмаса-да, аммо сукунатда ҳаммаси эшитиларди. Эртаси куни отам бундай ўйинни бошқа ўйнамаслигини, уруш аслида жуда қўрқинчли бўлишини, инсоннинг жонини оғритиш гуноҳлигини айтди.

Болалигим очарчилик йилларига тўғри келди. Оиладаги беш нафар фарзанднинг каттаси эдим. Курмакни майдалаб, қайнатиб ичардик. Биз қанчалик очарчилик йилларда яшасак-да, аммо бир-биримизга меҳр-оқибатимиз кучли эди. Нима топсак, оиламизга илинардик...

Хўжайли педагогика билим юртининг 1-курсида ўқиб юрганымда ҳарбий-спорт тўғарагига қатнардим. Вилоятлараро мусобақада мерганлик бўйича биринчи ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритдим. 1942 йилнинг март ойида дўстларим – Довумчор Ўзраев, Иван Ильиних, Григорий Юсупов билан урушга олишларини сўраб, ҳарбий

ЕЛКАМГА САНЧИЛГАН ХАНЖАР

*ёхуд Иккинчи жаҳон
уруши хотиралари*
(портрет очерк)



комиссариатга ариза ёзиб бордик. Ўшанда ўн етти ёшли йигитчалар эдик. Мени Украина fronti полкининг биринчи батальонига взвод командири қилиб юборишди. Кейин рота командири бўлдим. Уруш оловини кўриб ҳайратга тушгандим. Ўлган аскарлар, қонга бўялган тупроқ, бир оёғи ёки қўли йўқ ярадорлар... Кичкиналигимдан кўнгиладан бола бўлганман. Тасаввур қилинг, чумолига ҳам озор бермайдиган бола, қандай қилиб одам ўлдирши мумкин. Лекин урушнинг ўз қоидалари бор эди: «сен ўлдирмасанг, сени ўлдиршади!»

Биринчи марта ҳақиқий отишмада иштирок этганлигим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бир куни тунда пистирмадан бизга ҳужум бўлди. Яқин биродарим кўз олдимда жон берди. Унинг исми Иван эди. У мени бир неча марта ўлимдан сақлаб қолган. Ой ёруғида дарахтларни паналаб, илк марта одамга қараб ўқ уздим ва у йиқилди. Отам менга тарсаки тортган ҳолат кўз олдимга келди. Мен одам ўлдирдим! Ўшанда бир лаҳзада кўнгиладан йигитдан тошбағир кишига айландим. Иваннинг ўлими мени ҳақиқий жангчига айлантди. У дўстим эди. Душман аскарларига қараганда биз анчайин эпчил эдик. Пистирмадан

қилинган ҳужумни бир соатда барта-раф этдик ва улар чекинишди.

Ўша воқеадан кейин бизга берилган топшириқ тақозоси билан ҳамда Ватанимизни ғанимлардан қўриқлаш учун қанча фашист аскарларини ўлдирганман, аммо энди улар у даражада қўрқинчли ҳолат эмасди. Уруш жуда шафқатсиз эди. Биродарларимни кузатиб, уруш бошимизга қанча қийинчиликлар солганини тушундим. Ҳатто баъзилари бу қийинчиликлар ва шафқатсизликлардан тоқатлари тоқ бўлиб, қулишмас, ҳазил қилишмасди, шунчаки аламзада эди. Ахир ҳар куни кимдир яқин дўстини, ака-укасини, отасини йўқотарди. Кўнгиладан қанча нафрат аланга олмасин, қотилликдан қочиш ҳисси кучлироқ эди.

Харьковда бўлиб ўтган шиддатли жангларда ярадор бўлиб госпиталда ётиб чиқдим. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Днепр дарёсини ҳужум билан кечиб ўтаётган пайтимизда фашистлар тўртинчи мартаба мудофаа чизиғидан биз турган окопларга бостириб келишди, қўл жангига киришиб кетдик. Улардан бировини милтиқнинг қўндоғи билан уриб қулатдим, шунда орқамдан бошқаси ханжар санчди. Жон аччиғида қай-

рилиб, уни ҳам йиқитдим. Ханжарни елкамдан суғуриб олдим, шунда алоқачи келиб вазифа бажарилгани, иккинчи мудофаа чизиғига чекинишга топшириқ бўлганини айтди. Артиллерия ҳужуми бошланиб, фашистлар улоқтириб ташланди.

– Жонингни ким сақлаб қолганини биласанми? – деди алоқачи. – Ҳамюртинг лейтенант Рустам Муҳаммедов!

Мени госпиталга олиб кетишди. Муҳаммедов билан бир йилдан сўнг танишдим. У жуда эпчил инсон эди. Ўша ханжарни бундан уч йил олдин Ички ишлар вазирлиги жанговар шуҳрат музейига топширдим.

1945 йил 2 май куни Рейхстаг деворида «Лунёв Михаил, Каракалпакистан» деган ёзувни ўқидим. Унинг ёнига мен ҳам «Н. Абдуллаев, сын Ходжейли» деб имзо чекдим. Ғалабадан кейин 1948 йилгача «Кўринмас фронт» зобити сифатида халққа тинчлик бермаётган бандерачиларни, «Урмон биродарлари» деб ном олган қароқчилар гуруҳини тугатиш билан шуғулландик.

«СЮРПРИЗ»

Бир куни командиримиз чақириб, қилган хизматларим учун раҳмат айтди ва медаль билан тақдирландим. У пайтда 12 та медали бор эди. Уруш батамом тугади, энди уйингга қайтишнинг мумкин, деди. Урушда кечган етти йиллик умрим мобайнида уйга 18 та хат юборган эканман.

Урушдан қайтган аскарлар машинада шаҳар марказига олиб келинарди. Мен атайин у машинада қайтмадим. Чунки уйдагиларимга «сюрприз» қилмоқчи бўлдим. У пайтлари ҳеч ким эшигини қулфламас эди. Эшик очик, ҳовлида 6-7 ёшли бола ўйнаётган экан, уни танимадим. Мени кўриб ичкарига югуриб кетди. Бир пайт уйдагиларнинг ҳаммаси чиқиб, қаршида лом-мим демасдан қотиб қолди. Кейин бўлса йиғи-сиғи бошланиб, ота-онам кучоқлаб, пешонамдан қайта-қайта ўпишарди. Ўша мен танимаган бола эса кичкина укам Хайрулла экан. У урушга кетаётганимда ҳали бир ёшга тўлмаган эди. Онам юборган барча хатларимни сақлаб қўйган экан.

Урушдан кейинги йиллар ҳам осон бўлмади. Уруш тугаган бўлса-да, аммо у етказган талафотлар ўрнини қоплаш учун кўп йиллар кетди. Тинч ҳаётга қайтиб, аввал Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлигида, кейин прокуратурада, Адлия вазирлигида турли вазифаларда ишладим. Оила қуриб, тўрт нафар ўғилли бўлдим. Бир инсон умрини яшадим. Инсон умри ўтган сайин хотиралар оғушида қолар экан. Уруш йилларининг ҳар бир аччиқ хотиралари юрагимда муҳрланиб қолди. Ҳозирги дорилмон кунларга етказганига шукр. Аммо бир нарса юрагимни эзади, йиллар ўтган сари сафимиз тораймоқда.

Хизматларим ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. 1995 йили «Жасорат», 1998 йили «Шуҳрат» медаллари билан тақдирландим. Ҳар бир байрамда ёшлар, жамоатчилик вакиллари ҳолимдан хабар олиб, туришади.

Нурулла ота билан суҳбатдан қайтар эканман, ўша кузги барглари меванинг етилиб пишиши учун қанчалик ҳиссадор эканлигини англадим. Хаёлимда эса отанинг «Хурлик-ка фидо бўлмоқ – ҳар йигитга бахт эрур», деган гаплари айланарди.

Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА
«Vatanparvar»

САЙЛОВ – 2019

” Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган изчил, босқичма-босқич ислохотлар натижасида демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро меъёрларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқи кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Айниқса, сайлов қонунчилигини мустаҳкамлайдиган, унинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берадиган қонун ҳужжатларини қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 25 июнь кун имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Сайлов кодексининг қабул қилиниши сайлов қонунчилигининг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг аҳамияти шундаки, мазкур Кодекс Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилаш билан биргаликда, ушбу сайловларни ўтказиш бўйича амалда бўлган бир неча алоҳида-алоҳида норматив ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаш имкониятини яратди.

Маълумки, 2019 йил 22 декабрь кун юртимизда улкан сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. У илк бор янги Сайлов кодексига мувофиқ ўтказилади. Шу боисдан сайлов тизимидаги янгилик ва ўзгаришлар, Сайлов кодекси нормаларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Энг аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, сайловларда биринчи марта бешта сиёсий партия ўз номзодларини илгари суриш ҳуқуқига эга бўлди. Булар – «Миллий тикланиш» демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ва Экологик партия. Сиёсий партиялар эндиликда нафақат 135 та, балки барча 150 та сайлов округидан номзодларини илгари сура олади. Экологик ҳаракат учун квоталарнинг бекор қилиниши партиялараро рақобатни кучайтириши кутилмоқда.

Шунингдек, Сайлов кодекси билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг тоифаси янада аниқлаштирилди. Унга кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум

СИЁСИЙ ЖАРАЁНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР –

сайлов қонунчилиги
такимллашувининг
муҳим асоси

этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Бундан кўринадики, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 117-моддadan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилади. Унга кўра, сайловчилар Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайловчиларнинг рўйхати тўғрисидаги ўзи учун керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга 15 кун қолганида, чет давлатлардаги ваколатхоналарда, санаторийлар ва дам олиш масканларида, касалхоналар ва бошқа стационар доволлаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга 7 кун қолганида ҳамма та-

ларда, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса сайловга камида етти кун қолганида тузилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Кодекс билан кузатувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайлов жараёнини ёритиш, овоз бериш биноларида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири сифатида сайловларда овоз бериш вақтининг ўзгарганлигини эътироф этиш мумкин. Илгари сайловларда овоз бериш сайлов кун соат 06:00 дан 20:00 гача ўтказилган бўлса, эндиликда сайловда овоз бериш сайлов кун соат 08:00 дан 20:00 гача ўтказиладиган бўлди. Сайлов кун сайловчи овоз бериш биносига келгач, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Сайлов бюллетени яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгисини қўяди.

Сайлов кодексининг 51-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов қутилари соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Кодексда шунингдек, участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларнинг жиҳозланишига оид талаблар ҳам ўз аксини топди. Хусусан, сайлов комиссиялари жойлашган биноларда сайлов участкасининг харитаси, зарур мебель, офис техника воситалари (телефон, принтер, интернетга уланган ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимига кириш имкониятига эга компьютерлар, сейф, канцелярия товарлари) бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Сайлов кодексининг қабул қилиниши қонун ҳужжатлари меъёрлари такрорланишининг олдини олиш билан бир қаторда, сайлов жараёнининг кўплаб тартиб-таомиллари масалаларига, шу жумладан, участка сайлов комиссиялари ишларини ойдинлаштириш, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошқоралиги тамойилларини мустаҳкамлаш имконини яратиб, фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланиш билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий суди раиси
Садриддин ЭШОНҚУЛОВ**



Сурат тахририят архивидан

нишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Сайлов кодексининг 10-моддасига кўра, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегаралари инobatга олинган ҳолда тузилади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисмлар жойлашган ердаги округлар таркибига кириди. Сайлов участкаларининг чегаралари бошқа сайлов округларининг чегараларини кесиб ўтмаслиги керак.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ комиссиялари томонидан тузилади. Сайлов участкалари сайловга камида олти кун қолганида, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида йигирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ошмаган ҳолда тузилади. Ҳарбий қисм-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning toʻliq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4271> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4271> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4271>